

Тошкент фармацевтика институти
Фармацевтик кимё кафедраси

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Гомеопатик эссенцияларни 2-банд бўйича
тайёрлаш усуллари**

Бажарди: Жаркинова О. 3-к, 4-гр.

Қабул қилди: Шамсиев Ш.Ш.

Тошкент 2015

Гомеопатик эссенцияларни 2-банд бўйича тайёрлаш усуллари

Ганеман ўзининг даволаш усули билан бир қаторда гомеопатик дориларни тайёрлаш усуллари ҳақида яратган.

Гомеопатик дори турлари янги йиғиб олинган ва қуритилган ўсимликлар, ҳайвонот олаmidан олинган ва минерал моддалар ёки кимёвий бирикмалардан тайёрланади.

Дорихоналарда эссенция, тинктура, эритма, тритурациялар тайёрланиб, улар аниқ доривор модда сақлайди, улардан кейинчалик қонун-қоидалар асосида суюлтиришлар оборилади.

Эссенциялар - бу янги узиб олинган доривор ўсимликлардан, уларнинг таркибидаги ширани миқдорида боғлиқ бўлган ҳолда Швабе фармакопеяси асосида 3 та /1,2,3/ бандлар бўйича тайёрланади.

Ўсимлик таркибидаги шира миқдори бир неча омилларга, яъни:

- ўсимликни ўсаётган жойи;
- йиғиб-териб олинган йилнинг фасли;
- ёмғиргарчилик бўлгани ёки йўқлиги ва бошқаларга боғлиқлиги аниқдир.

Шунинг учун гомеопатия амалиётида доривор бирлик деб ўсимликдан сиқиб олинган шира ҳисобланади.

Гомеопатик эссенцияларни 2- банд бўйича тайёрлаш.
Гомеопатик фарма-копеясининг қўрсатмасига биноан, агар ўсимлик смола, эфир мойлари ва камфора бирикмаларини сақламаса ва, майдалаб пресс орқали сиқилганда, 60% дан кам шира берса, ундан эссенция 2 - банд бўйича тайёрланади.

Эссенция тайёрлаш учун сарфланадиган этил спиртнинг миқдорини топиш учун олдин ўсимликдаги **шира миқдори қуйидаги** тенглама бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{100 \times a}{100 - b}$$

Шира миқдорини аниқлаш учун биринчидан, 100⁰С ҳароратда майда-ланган ўсимлик массасини намлик даражаси аниқланади /а/. Иккинчидан, ўсимликдан сиқиб олинган шира филтрлаб 100⁰С ҳароратда қуруқ қолдиғи топилади /б/. Топилган кўрсаткичлар тенгламага қўйилади ва ширани миқдори ҳисобланади.

Эссенция тайёрлаш учун янги йиғиб олинган ўсимлик тортилади, майдаланади. Олинган хом ашё, унинг миқдорини ярмича, 90%ли спирт билан намланади, яна майдаланилади ва бўтқасимон массага айлантирилади. Кейин массага, тенглама орқали ҳисобланган ширанинг тенг миқдоригача, 90%ли спирт қўшиб аралаштирилади ва 8-14 кунга мацерация учун қўйилади.

Белгиланган вақт ўтгач, масса сиқиб олинади ва ажратма оғзи жипс бекиладиган идишга қўйилиб, 8 кунга салқин жойга тиндириш қолдирилади ва ундан сўнг филтрланади.

Ҳосил бўлган эссенциялардаги доривор модданинг миқдори 1/2 га бўлади.

Айрим ўсимликларнинг майдаланган массасида шилимшиқ кўп ва чиққан шира миқдори жуда кам бўлса, аниқланаётган ўсимлик миқдорига тенг қилиб сув қўйилади ва тез, қаттиқ чайқатилиб 24 соатга қолдирилади, кейин филтрланади. Филтрланган ширада 100⁰С ҳароратда қуруқ қолдиқ аниқланиб /с/, шира миқдори қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

$$X = \frac{100 (a+c)}{100 - c}$$

Тайёрланган эссенциялардан спиртли тинктуралар олиш мумкин. Бунинг учун 2 қисм эссенция ва 8 қисм 45%ли спирт олиб аралаштирилади. Олинган тинктура 1-нчи ўнлик суюлтириш шкаласига тўғри келади.

Тошкент шаҳар Фармацевтика институти
Махсус дори турлари технологияси фанидан
қайта топшириш

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Гомеопатик эссенцияларни 2-банд бўйича
тайёрлаш усуллари**

Бажарди: Комилова М.

Текширди: каф.мудир проф. Махмуджонова К.С.